



# MILLIY TIKLANISH

31 (144) 2011 йил 10 август, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Миллий қадрият ва урф-одатларимиз

ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида қайд этилган мақсад ва вазифалар ёшларнинг маънавий-ахлоқий пок, ватанпарвар, халқига садоқатли фарзанд, шунингдек, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз, буюк аждодларимиз хотирасига ҳурмат руҳида камол топишларига кўмаклашишга қаратилган.



Созларга қайта оҳанг бахш этиб...


Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида яшовчи Рашидхон Юсупов 25 йилдан буюн миллий чолғу асбобларини таъмирлаш билан шуғулланади. Бузилган созга қайта оҳанг бахш этиш алоҳида кунт, сабр-тоқат ва юксак маҳорат талаб қилади.



2 СИЁСАТ

5 МАЪНАВИЯТ

### МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзотнинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир. Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янгилашмаган бўламиз.

Ислом КАРИМОВ

## ЎЗБЕКИСТОН: МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Юртимизда маънавият сарчашмаларини асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, боболаримиз Жалолiddин Мангуверди, Соҳибқирон Амир Темур, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек, Беруний, Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Алишер Навоий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Бобораҳим Машраб, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат каби алломаларнинг илмий-адабий асарларини ва шу билан бир қаторда юртимизнинг бой тарихий-маданий, маънавий меросини янада кенгроқ ўрганишга бўлган эътибор гоят кучайди.

### ШАҲАРЛАРНИНГ ҚУТЛУҒ ТҮЙЛАРИ

Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида миллатимизнинг маънавий юксалиши йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса, миллий кадриятларимизни тиклаш, тарихимизни чуқур ўрганиш, меъморий ёдгорликлар ҳамда зиёратгоҳларини асраб-авайлаш, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз ва Шарқнинг маърифат бешиги сифатида довруқ қозонган қадимий шаҳарларимизнинг юбилейларини нишонлашга алоҳида эътибор қаратилди.

5-бет

### АКЦИЯ

#### МЕҲР, САХОВАТ ВА БАРАКА ОЙИ

"Меҳр нури" хайрия жамғармаси ташаббуси билан юртимиз вилоятлари бўйлаб "Ифторлик" хайрия акцияси ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг 8-19 август кунлари муқаддас Рўзаи Рамазон ойи муносабати билан Наманган, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида "Ифторлик" акциялари ташкил этилапти. Унда вилоят ҳокимликлари томонидан рўйхатга олинган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож — боқувчисини йўқотган, кўп фарзандли оилалари, нафақахўрлар, уруш фахрийлари учун байрамона дастурхон тузалади.

Ифторлик акцияси доирасида Хоразм, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида "Кичик ва ўрта тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш учун грантлар" дастури иштирокчилари учун маҳорат-дарслари ҳам ўтказилмоқда.

Дастурда мамлакатимиз ҳудудида озиқ-овқат, тўқимачилик, амалий санъат намуналари, шунингдек, деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик билан шуғулланмоқчи бўлганлар иштирок этиши мумкин. 2006 йилдан бери дастурда 1677 нафар киши иштирок этган. Шундан 143 нафари голибликни қўлга киритган. "Меҳр нури" жамғармаси мазкур лойиҳа учун 156 миллион сўм маблағ ажратган.

"Туркистон-пресс"

3-бет

### КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

## МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК

УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

*Инсон яратилдики, янгиликка, тараққиётга интилади. Бунинг маҳсули ўлароқ сон-саноксиз мўъжизавий кашфиётлар яратилиб, башариятга хизмат қилмоқда. Аммо уларнинг меҳнати ҳамма замонларда ҳам бирдек қадр топавермаган.*

XXI асрга келиб интеллектуал мулкни муҳофазалаш ҳар қачонгидан ҳам ривож топди. Жумладан, 2000 йили Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан 26 апрель — Халқаро интеллектуал мулк кунини, деб эълон қилинди. Бу мазкур соҳага дунё миқёсида алоҳида эътибор қаратилаётганидан дарак беради.

Истиқлол йилларида мамла-

катимизда интеллектуал мулк ҳуқуқлари муҳофазасини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган даврда соҳага оид миллий қонунчилик асослари яратилди ва улар замонга, халқаро андозаларга мўс тарзда такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар қимнинг илмий ва техникавий ижод эр-

кинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган ва давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига гамхўрлик қилиши қайд этилган. Ушбу конституциявий меъёр, аввало, қонунларимизда, қолаверса, ҳаётимизда ўз аксини топмоқда. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳалардаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимига, илмий-амалий фаолиятнинг бошқа аниқ масалаларига қаратилган қонунлар қабул қилинган ва амалда ўз самарасини бермоқда.

2-бет



## ҲУШЁРЛИК ВА ОГОҲЛИК БАЙРАМ ШУКУҲИНИ ЯНАДА ОШИРАДИ

Тинчлик ва осойишталик — истиқлол йилларида халқимиз эришган энг улуғ неъматлардан. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик барча соҳаларда эришаётган улкан ютуқларимиз, халқимиз фа-

ровонлигининг тобора юксалиб бораётгани, амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов

раҳнамолигида юртимизда осойишталикни, жамоат ҳавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизими яратилди.

2-бет

### ЖАРАЁН

## МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

УНИ ЭЪЗОЗЛАШ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ — ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

*Миллий қадриятлар комил инсонни тарбиялаш, одоб-ахлоқни шакллантиришда муҳим ўрни тутади.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: "Жаҳон ҳўжалик алоқаларига қўшилишининг асосий шarti сифатида умум қабул қилинган норма ва қоидаларга кўпроқ яқинлашишга интилан ҳолда, республиканинг

ўз ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда унинг ижтимоий-иқтисодий ва миллий ўзига хос хусусиятлари иложи борича тўла ҳисобга олиниши керак. Шу билан бирга янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида аҳолининг кундалик турмушига

сингиб кетган халқ анъаналари, урф-одатлари, шахсларо ва миллатлараро муомала ҳамда диний эътиқодларнинг асрий тарихидан мерос қилиб олинган, умуминсоний қадриятларга, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зид бўлмаган ахлоқий нормалар албатта акс эттирилиши керак".

4-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!  
Нашр кўрсаткичи = 158



## СИЁСАТ

## КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

## МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК

УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Этироф этиш жоизки, мамлакатимизнинг "Адабий-бадий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн Конвенцияси"га қўшилгани бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди. Бу каби хайрли ишлар халқаро миқёсда ҳам этироф этилаётгани билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди. Интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасини ривожлантиришдаги юксак ривожлантиришдаги юксак хизматлари учун 1996 йили мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Олтин Медали билан тақдирлангани фикримиз исботидир. Бундай нуфузли мукофотга жазон мамлакатлари Президентлари орасида биринчи бўлиб давлатимиз раҳбарининг сазовор бўлганлиги Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигининг амалий натижасидир.

Айни вақтда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, Давлат патент идораси, Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги ташкил этилганлиги ҳамда Давлат патент идораси ва Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентликларининг фаолиятини изчил ва самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида мазкур икки ташкилот асосида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ташкил этилиши ижодкор меҳнатини қадрлаш борасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда асос бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номи маърузасида "муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш"га алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Бунда ижодкорлар ва интеллектуал мулк эгаларининг фаолиятини тартибга солуви қатор қонунлар, жумладан, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги янги тахрирдаги қонун қабул қилинганлиги қайд этди.

1996 йилда қабул қилинган "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонун асосида миллий қонунчилигимизда илк бор муаллифлик ҳуқуқлари билан биргаликда турдош ҳуқуқлар ҳам муҳофаза қилина бошланди. Қонунга мувофиқ, ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларга тегишли ҳуқуқ берилди. Мазкур қонун айниқса, бозор муносабатларига асослангани билан характерлидир. Чунки муаллифнинг мулк ҳуқуқлари ўзига хос товар бўлиб, фуқаровий ҳуқуқ сифатида бошқага ўтказилиши қонунда акс этди.

2006 йилда "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонуннинг янги тахрирда қабул қилингани соҳа вакиллари учун янада кенг имкониятлар яратди. Зеро, замонавий технологияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, илм-фан ва техника, ижтимоий-маданий тараққиёт на-



тижасида муаллифлик ва турдош ҳуқуқларнинг янги-янги объектлари вужудга келмоқда. Уларни ҳуқуқий ҳужжат билан муҳофазалаш зарурати қонунчилики тақомиллаштириши тақозо этди. Ушбу қонунда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган янги муносабатлар ва тушунчалар, атамалар, тушунчаларнинг изоҳлари ўз аксини топди. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, умуман, интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқни янада яхшироқ қўллаш имкониятини берувчи нормалари мумкин қадар тўла акс эттирилди. Муаллифлар ўзининг интеллектуал фаолияти, ақлий салоҳияти ва маҳорати билан ҳақ олиш имконияти ҳуқуқий кафолатланди ва муаллиф асарининг дахлсизлигига бўлган ҳуқуққа эга бўлди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий мақсад ва вазифалари билан бирга партиянинг асосий электорати бўлган ижодкорлар меҳнатини қадрлашга эътибор қаратишдир. Қолаверса, партия сайловолди Платформасида муаллифлик ҳуқуқларини, интеллектуал мулкни ва уларга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш, ушбу соҳадаги қонунчиликни тақомиллаштириш, истеъдодли ва ижодкор одамларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий ва амалий механизмларини тақомиллаштиришнинг ўзининг асосий мақсади сифатида белгиланган.

Қонундаги кўпчилик тушунчалар Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бўйича атамалар глоссариясига" мос келади. Зеро, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлган давлатимиз бу каби халқаро шартномалар-

ларнинг интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқий маданиятининг етарли эмаслиги шундай муаммоларни келтириб чиқармоқда. Албатта, бу борада қатор маърифий, ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилмоқда. Парламентнинг тегишли қўмиталари, Республика интеллектуал мулк агентлиги томонидан семинарлар, давра суҳбатлари, оммавий-ахборот воситалари орқали тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Маъмурий жавобгарлик, Жиноят кодексларида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасида содир этилган қонунбузарликлар, шу жумладан, контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш, муаллифлик ҳақини тўламаганлик ёки ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритиш зарурияти сезилмоқда.

Шу билан бирга, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлигининг вилоятлардаги бўлимларини ташкил этиш ва муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича назоратнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини вужудга келтириш ижодкорлар меҳнатини яна бир бор қадрлаш имконини беради.

Муаллифлар, ижрочилар ва бошқа субъектларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда шарҳномаларнинг аҳамияти ва заруриятини тушунириш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жаддаллаштириш, муаллифлар ва нашриётлар ўртасида тузилдиган шартномаларнинг Қонун талабларига мос бўлишини таъминлаш мавжуд муаммоларнинг ечимини топишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ижодкорлар, интеллектуал мулк эгаларининг фаолиятини муҳофаза этувчи қонунларни янада тақомиллаштириш ҳамда уларнинг амалий ижросини таъминлаш, Президентимиз томонидан белгилаб берган Концепциянинг руҳиятига сингдирилган инсон манфаатига хизмат қилувчи ғоялар ва амалий вазифаларни ҳаётга татбиқ этишни ўзининг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблайди.

**А. МАМАТОВ,**  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

## ● ТАРҒИБОТ

## АНЪАНА ВА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ

МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ САМАРАЛИ ВОСИТА



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши, Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги мустақил институти Тошкент вилояти мунтақавий бўлими ҳамкорлигида "Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ЎзМТДП вилоят Кенгаши аъзолари, партия "Ёшлар қаноти" етакчилари, ҳамкор ташкилот ходимлари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари, "Қамолот" ЕИҲ Тошкент вилояти Кенгаши бўлими, ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда ёшларни ёт ғоя ва иллатлардан асраш, улар онгида мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, тарихий ўлигимиз ҳамда улуг аждодларимиз қолдирган бой маданий мерос билан яқиндан таништириш, ўрганиш, татбиқ этиш ва ривожлантиришга қўмаклашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Маълумки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастури ва сайловолди Платформасида

қайд этилган мақсад ва вазифалар ёшларнинг маънавий-ахлоқий пок, ватанпарвар, халқига садоқатли фарзанд, шунингдек, миллий кадрият, анъана ва урф-одатларимиз, буюк аждодларимиз хотирасига ҳурмат руҳида камол топишларига қўмаклашишга қаратилган. Бу борада "Мустақиллик — ёшларнинг ҳаёти" — ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришнинг миллий менталитет омили, "Глобаллашув жараёнида исломий кадрларнинг ўрни" каби мавзудаги маърузалар ҳам катта қизиқиш уйғотди.

"Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" каби давра суҳбати, ўқув-семинар, кўрик-танлов ва тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Давра суҳбатида "Фуқаролар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни" мавзусида маъруза қилган ЎЗМУ фалсафа фанлари номзоди, доцент Ойниса Мухаммадиева, жумладан, шундай деди:

— Партиялар жамиятимизнинг барча қатламларини ўзида бирлаштирган фаол сиёсий куч ҳисобланади. Уларнинг дастурий мақсад ва вазифалари ҳамда сайловолди Платформасидан аҳоли, айниқса, ёшларни четдан кириб келаётган турли ёт ғоя ва мафкуралар таъсиридан асраш масалалари кенг ўрин олган. Хусусан, ЎзМТДПнинг ғоя ва мақсадларини кенг жамоатчиликка етказишда бу каби тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Ана шундай тадбир, ўқув-семинар ва давра суҳбатларини олис қишлоқ ва овулларда ҳам ташкил этиш воситасида фуқаролар онгига менталитетимизга хос бўлган анъана, қадриятларимиз мазмун-моҳиятини сингдириш лозим.

Тадбирда иштирокчилар эътиборига ҳавола этилган "Глобаллашув шароитида ёшлар маънавий ахлоқий онгини шакллантиришнинг миллий менталитет омили", "Глобаллашув жараёнида исломий кадрларнинг ўрни" каби мавзудаги маърузалар ҳам катта қизиқиш уйғотди.

**Эргаш ХУҲАЕВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

## ҲУШЁРЛИК ВА ОГОҲЛИК БАЙРАМ ШУҚУҲИНИ ЯНАДА ОШИРАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар юрт тинчлиги, халқ осойишталигини таъминлашга йўналтирилган. Ушбу соҳанинг барча тузилмалари сифат жиҳатдан бутунлай янги асосда шакллантирилди.

Юртимизда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунки ёнгин хавфсизлиги масаласи барча идора ва ташкилотлар, маҳалла, қишлоқ, оила, ҳар бир фуқаро фаолиятига бевосита дахлдордир. Соҳага оид қонунчиликнинг тақомиллаштирилгани ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, "тилсиз ёв"нинг олдини олиши ишларини янада кучайтириш имконини бераётир. Жумладан, 2009 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Алишер Султонов. — Аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тармоқлари

ва ижтимоий соҳа объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ишлари янада кучайтирилди.

Ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида соҳа ходимлари аҳоли, айниқса, болалар ва ўсмирлар ўртасида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан кенг камровли тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Тадбирлар самарадорлигини янада ошириш учун кенг жамоатчилик билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Чунки ёнгин хавфсизлиги масаласи барча идора ва ташкилотлар, маҳалла, қишлоқ, оила, ҳар бир фуқаро фаолиятига бевосита дахлдордир. Соҳага оид қонунчиликнинг тақомиллаштирилгани ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, "тилсиз ёв"нинг олдини олиши ишларини янада кучайтириш имконини бераётир. Жумладан, 2009 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Алишер Султонов. — Аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тармоқлари

ва ижтимоий соҳа объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ишлари янада кучайтирилди.

Корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда ўтказилаётган профилактик тадбирларда шу кунга қадар етти миллиондан зиёд фуқаро иштирок этгани бу борадаги ишлар қўламини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, хонадонларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши буйича ўтказилган текширишлар пайтида 13 миллиондан ортик одам билан бевосита суҳбат ўтказилди.

Ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида 220 мингдан зиёд корхона, ташкилот, муассаса ва ҳўжаликнинг ёнгинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Ўтказилган текширишларда аниқланган 700 мингдан зиёд камчилик ва нуқсонлар бартараф этилишига эришилди. Текширувлар натижалари буйича ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузётган қирқ минг нафарга яқин масъул шахс ва фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди. Ёнгин содир бўлишига олиб

келиши мумкин бўлган 14 мингдан зиёд корхона, бино ва иншоотларнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилди. 102 мингдан кўпроқ электр ускуна, мослама ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқланди.

Бу борада олиб борилган ишлар натижасида ёнгинлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 фоизга, ёнгинларда инсонларнинг тан жароҳати олиш ҳолатлари 33,8 фоизга, ҳалок бўлганлар сони 11,5 фоизга камайди.

Ушбу рақамлар ёнгин хавфсизлигига оид қоидаларнинг таъминлаш ҳаёт тарзимизга тобора чуқурроқ кириб бораётганини кўрсатади. Бу борада янада хушёр ва огоҳ бўлиш нафақат байрамлар шуқуҳини, балки кундалик турмушимиз файзу баракасини ҳам оширади. Шу боис ушбу "тилсиз ёв"нинг олдини олиш чораларини кўриш нафақат мутасадди идораларнинг, балки ҳаммамнинг, ҳар бир кишининг бурчи, вазифасидир.

**Н. АБДУРАИМОВА,**  
ЎЗА мухбири

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ



## ● БИЗНИНГ ШАРҲ



## ЧИҚИШ ЙЎЛИ

**АҚШДА ДЕФОЛТ БЕКОР ҚИЛИНДИ, АММО МУТАХАССИСЛАР БУ БОРАДАГИ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ УЧУН ҲАМОН ҲАМОН КИРИШМОҚДА**

**2008 йилда АҚШда бошланиб, кейин жаҳон бўйлаб ёйилган молиявий-иқтисодий инқироз глобал муаммоларга жиддий таъсир кўрсатган. Ушбу йиллар мобайнида мамлакатнинг олдиди олиш борасида океан орти давлатида жиддий ислохотларга қўл урилди. Аммо оқибатда наватдаги муаммо кўндаланг бўлди. Мамлакат дефолт ёқасига келиб қолди.**

диган бўлди. Борди-ю, АҚШ дефолтга юз тутганди? Бундан нафақат АҚШ иқтисодиёти, балки, дунё молиявий-иқтисодий тизими ишдан чиқиб, янги инқироз домига тушиб қолиши ҳеч гап эмасди.

Умуман, амалдаги президент Барак Обама Оқ уйга ишга келганидан буён давлат қарзи миқдори уч марта оширилган. Мамлакат қарзга яшашга кўникиб қолди чоғи, унинг ҳажми ойига уч миллиард АҚШ долларига кўпая бошлади.

Статистик маълумотларга кўра, 1917 йилда Американинг давлат қарзи бор-йўғи 11,5 миллиард доллар атрофида бўлган. Бундан ўн йил муқаддам бу кўрсаткич 6 триллион АҚШ доллари, 2008 йилда эса 10,8 триллион АҚШ доллари ташкил этган. 1962 йилнинг мартидан буён давлат қарзи 74 баробар, 2001 йилдан то 2011 йилга қадар эса 10 мартага оширилган. Жорий йилги 14 триллион 294 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi давлат қарзи бу деярли мамлакат ЯИМ ҳажмининг 100 фоизга яқин даражададир. Тахлилчиларнинг фикрича, 2015 йилга бориб давлат қарзи 19,6 триллион АҚШ долларига етиши мумкин экан. Бу ЯИМнинг 100,2 фоизи атрофида, деганидир.

Кузатувчиларнинг айтишича, бир неча йиллардан буён АҚШда даромад ва камомат орасидаги фарқи қандай қамайтириш хусусида сиёсий тортишувлар бўлади. "Америкадаги икки партия кўп тортишувлардан сўнг, охир-оқибат муроасага келади, зеро, дефолт юзага келишини ҳеч ким истамайди", - дейди бан-

кир Дэвид Коллер. "АҚШни банкротлик ёқасида турган Греция билан қиёслашган. Кризисда бўлса-да, иқтисодий қудратига ишонч баланд", - дейди у.

Муаммоларга қарамай, Америка ҳамон глобал майдонда энг

**"Уй, машина, ҳатто саёҳат ҳам кредитга..." Бу аксарият америкаликнинг яшаш тартибига айланган. Олимларнинг фикрича, қарзни вақтида тўлаш нафақат яхши маош, балки молиявий масъулият, интизом ҳам талаб этади. Айни пайтда АҚШда молия ва бюджет энг долзор ва калтис масалага айланган. Бу эса ҳар бир америкаликни кўрпага қараб оёқ узатишга ўргатмоқда.**

йирик иқтисодий тизим ва кучга эга. Халқаро валюта жамғармасининг йирик кредитори саналган АҚШнинг йиллик ялпи миллий даромад қарийб 15 триллион долларни ташкил этади, бошқа мамлакатлар ҳазинаси учун доллар чоп этади, энг кераклик облигацияларни чиқаради. Ўз навбатида катта миқдорда доллар захирасига эга Хитой Вашингтонга маъсулиятли бўлишига, сармоячиларни ҳимоя қилишга чакирган. Япония эса АҚШ давлат облигацияларини харид қилишда давом этмоқда.

Конгрессдаги республикачилар ва демократик партия вакиллари ҳамда сенат аъзолари бюджет тақчиллигини қисқартиришни икки босқичда олиб боришга келишиб олди. Давлат харажатлари 900 миллиард долларга қамайтирилиши кутилмоқда. 1,5 триллионлик давлат харажатларини қисқартириш борасидаги масала Конгресс қоши-

даги махсус қўмита томонидан шу йилнинг декабрь ойи охирида қўриб чиқилади. Аслида бу янги дастур иккала палата аъзолари томонидан бир овоздан маъқулланган. Қўшимча 2,1 триллион долларлик давлат қарзи билан 2012 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтадиган президент сайловида бемалол яшаса бўлади. Хуллас, дефолт яқин 8-12 ой ичида кузатилмайди, дейишга асос бор. Конгрессдаги иккала партия вакиллари Федерал бюджетга сарфланадиган харажатлар яқин ўн йил ичида 2,1 триллион долларга қисқариши маълум қилган. Яна бир масала кўпчиликни қизиқтирмақда.

Пентагон мудофаа мақсадлари учун ажратилаётган харажатларни 10 йил давомида 350 миллиард долларга қамайтиради. Ҳарбийларга бюджетдан ажратилаётган маблағ қамайтирилса-да, бу чеклов соғлиқни сақлаш тизими хизматини четлаб ўтади. Энг асосийси, кекса ёшдаги фуқароларга тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги имтиёзлар сақланиб қолади. Оқ уй раҳбарияти соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган харажатларни қисқартириш, Medicaid ва Medicare ижтимоий тиббий ёрдам кўрсатиш дастурига ажратилаётган маблағларни тафтиш қилиш масаласини ўртага қўйганди. Барак Обама яқин ўн йилда давлат харажатларини тахминан тўрт триллион АҚШ доллари қисқартириш, Америка компаниялари ва мулкдорлар қатлами учун солиқ юқини ошириш таклифини илгари сурганди. Бу масала конгрессдагилар томонидан тасдиқланмади ва аввалги солиқ миқдори сақланиб қоладиган бўлди.

Дунёнинг қатор мамлакатлари АҚШнинг дефолт ёқасига кетганда, Греция ва Португалия қарз ботқоқига ботиб қолиши тахмин қилинмоқда.

Маълумотларга қараганда, АҚШ давлат харажатлари кейинги 10 йил давомида бир триллион долларга қисқартирилади. Президент Барак Обаманинг сўзларига кўра, ички дастурлар учун ажратиладиган сарф-харажатлар президент Дуайт Эйзенхауэр давридаги даражага туширилади. Ушбу маблағлар янги иш ўринларини яратиш, таълим, илмий тадқиқот ишлари учун етарли, деб ҳисобланмоқда.

Мутахассислар кутганидек, дефолт бекор қилинми. Аммо бу муаммо ҳал этилди, дегани эмас. Давлат харажатларини қисқартириш борасидаги масала Конгрессдаги махсус қўмита томонидан жорий йилнинг декабрь ойида қўриб чиқилади. Сайёрамизда иқтисодий жиҳатдан кудратли бўлган АҚШда ўтган 2-3 йилда молиявий-иқтисодий инқироз, сал ўтиб дефолт рўй бериши ҳавфи туғилди. Жаҳон молия бозоридagi бундай беқарорликлар мамлакат кредит рейтингининг пасайиши, фоиз ставкалари юқорилиши ва муҳими — бу давлатга нисбатан ишончининг пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Дарвоқе, аллақачон расмий Вашингтоннинг кредит рейтингини рекорд даражада пасайган.

Азимжон ПЎЛАТОВ

**Дефолт — бу қарз олувчининг кредитор олдидаги ўз мажбуриятини бажара олмаганлигини англатади. Унинг икки тури мавжуд бўлиб, бири оддий, иккинчиси техник дефолтдир. АҚШда эса техник дефолтнинг юз беришига бир баҳя қолди. Техник дефолтда шартномавий қарз тўлаш мажбурияти бузилган тақдирда ҳам қарздор уни узишнинг уйдасидан чиқа олади.**

## ● РАНГИН ДУНЁ

**Неча йиллардан буён дунё сайёҳларини ўзига чорлаб келатган Корфу ороли Грециянинг энг хушманзара гўшаларидан бири ҳисобланади. Оролнинг маркази Керкир шаҳри ўзининг тарихи, мейморчилик ҳамда гўзал санъат дурдоналари билан мамлакатнинг бошқа оролларида ажралиб туради.**

Айтишларича, шаҳарнинг ривожланишида ўзга маданиятларнинг таъсири катта бўлган. Масалан, XVI аср ўрталарида венецияликлар оролда ажойиб қаср бунёд этишган. Ҳатто, пойтахтдаги қаср дарвозасида венецияликларнинг рамзи ҳисобланган қанотли шер ҳайкали ўрнатилган. XVIII аср охирида орол аҳолиси кўп азоб-уқубатларни бошидан кечиради. 1797 йили оролни Наполеон босиб олади. Ана шу даврда оролга Франция маданияти ҳам кириб келади. Шаҳар марказида арклар билан безатилган ҳашаматли иншоотлар қад кўтара бошлайди. Аммо, уларнинг оролдаги ҳукмронлиги узоққа чўзилмайди. 1799 йили рус ва турк қўшинлари адмирал Федор Ушаков бошчилигида архипелагни французлардан озод этишади. Ушаков илк бор денгиз десантлари ёрдамида қасрни қуршовга олишга муяссар бўлган.

Керкир шаҳридан тўққиз километр узоқликда ажойиб ёдгорлик — юксак мейморчилик ҳамда боғ санъати акс эттирилган Ахиллион қасри жой олган.

## АЯНЧЛИ ТАҚДИР

XIX асрда Керкирнинг кўзга кўринган сиёсатчиси Пётр Врайлла вилласида юксак мейморчилик санъати услубида сарой қурилади. Саройнинг бунёд этилишига Австрия императори Франц Иосифнинг рафиқаси Елизавета Боварская асос солган. Елизавета ўз даврида маҳзун малика Сиси номи билан машҳур бўлган. У европалик қироличалар орасида ўзининг ниҳоятда гўзаллиги, доно ҳамда маросимларда фаол қатнашиши билан ажралиб турган. Император сароидалигида эса малика давлат ишларини жуда маромига етказиб бажариш билан бирга бўш вақтини Греция ва Италия ёдгор-

## АФСОНаВИЙ ОРОЛ

ЁХУД МАҲЗУН МАЛИКА ҚАСРИ



ликлари, мейморчилик санъати тарихини ўрганишга бағишлаган. Аммо, Елизаветани "маҳзун малика Сиси" деб аташга ҳам беҳиж эмас. Маълумотларга қараганда, қироличанинг ҳаёти азоб-уқубатлар гирдобидида ўтган. Малика икки яшар кизчасидан айрилгани етмаганидек, уни сил

либ қолганидан хавотирга тушганди. Буюк Британия бош ҳазиначиси Дэни Александрнинг таъкидлашича, АҚШ қироличанинг йирик савдо ҳамкори. Дефолтдан қутулиш эса икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Хитой Океаноти иқтисодиётига катта сармоя ажратаётган мамлакатлардан. Бу мамлакат АҚШнинг бир триллион доллар миқдоридagi давлат облигацияларини сотиб олган. Осиёда иқтисодиёти гуркираб ривожланаётган мамла-

раси айниқса, Врайлла вилласининг чиройи маликани буткул ўзига ром этади. 1889 йилда қиролича виллани харид қилганидан сўнг сарой қурилиши ишларини бошлаб юборади. Унга италиялик мейморлар Карито ва Ланди бошчилик қилишади.

## ТОЖ КИЯН ДЕЛЬФИН

Елизавета саройдаги қаср ва боғни безатишга ўзи бош-қош бўлиб машҳур санъат асарларини Италиядан келтиради. Тож кийдирилган дельфин ҳайкали малика учун жуда қадрли бўлгани боис у сарой мазмун сифатида хар бир хоналарда акс эттирилади. Қиролича сарой боғига алоҳида меҳр қўяди. У боғни ноёб ўсимликлар билан бойитиб, тарихий шахслар ҳамда афсонавий қаҳрамонларнинг ҳайкаллари қурдиради. Елизаветанинг энг севган афсонавий қаҳрамони Ахил бўлгани боис саройни Ахиллион деб атади.

Ахиллион қасри уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда сарой атрофи мрамр плита ҳамда декоратив ўсимликлар билан безатилган. Иккинчи бўлимдаги зинапоя йўлидаги юнон маъбудларига бағишланган ҳайкаллар билан бирга 9 та илҳом париси ҳам жой олган.

## Ёнғинга сабаб нима?

**Москвадаги «Микоян» гўшт комбинатида ёнғин чиққан.** Хабарларга кўра, ёнғин 2 минг квадрат метр майдонга тарқалган. Ёнғинни ўчириш учун Фавкулдада вазиятлар вазирлиги тўртта ўт ўчирувчи вертолёт ва 46 та бригадани жалб этган. Воқеа жойини қалин тўтун қоплагани ўт ўчирувчиларга оловни қайтаришда қийинчиликларни келтириб чиқарди. Кузатувчиларнинг фикрича, ёнғинга комбинатда газ балонларининг портлаши сабаб бўлган.

## Тартибсизликлар давом этмоқда

**Буюк Британиядаги Лондон ва Бирмингемда давом этаётган тартибсизликлар Ливерпул, Манчестер, Бристолга ҳам кўчган.**

Асосан ёшлардан иборат оломон пойтахтнинг Хэрни, Пекхам ва Лоуишам туманларида тартибсизликлар уюштириб, дўконларни талон-тарож қилган. Мамлакат бош вазири Дэвид Кэмерон Лондонда бир неча кундан буён давом этаётган тартибсизликлар юзасидан фавкулдада мажлис ўтказган. Хабарларга кўра, полиция 200 дан зиёд одамни қўлга олган. Шанба кундан буён давом этаётган зўравонликларда 35 нафардан зиёд полициячи жароҳатланган. Кузатувчиларнинг фикрича, бу Лондонда кейинги 30 йил ичида рўй берган энг йирик тартибсизликлар саналади. Эслатиб ўтамай, мазкур нохуш ҳолатга Тоттенхэм туманида полиция билан отишма пайтда 29 ёшли йигитнинг ҳалок бўлгани сабаб бўлган. Сўнгги хабарларга кўра, тартибсизликлар оқибатида пойтахт Лондондаги Уэмбли стадионида ўтказилиши режалаштирилган футбол бўйича Англия ва Голландия терма жамоалари ўртасидаги ўртоқлик учрашуви бекор қилинди.



## mChip — қўл лабораторияси

**Инфекцион касалликларни аниқлашнинг энг арзон ва кўлай йўли аниқланди.**

Олимлар қонни текширадиган мўъжаз мослама асосида турли инфекцияцион касалликларни аниқлашнинг арзон йўлини ихтиро қилишган. mChip деб номланган мазкур мосламанинг катталиги пластик карточкага тенг. Мутахассислар арзон ва содда қон текширадиган тест мосламаси дунёнинг чекка жойларида инфекцияни аниқлашда муҳим роль ўйнаши мумкинлигини айтишмоқда. mChip инфекцияни бир неча дақиқада аниқлаш мумкин. Руандада mChip воситасида ВИЧ ва сифилис инфекцияларини аниқлаш мақсадида синовлар ўтказилган. Мослама ВИЧ инфекциясини 95 фоизга, сифилис инфекциясини 75 фоизга аниқлаб берган.

— mChip мосламаси билан миждо махсус клиникага бориш ва топширган анализларнинг натижасини бир неча кун куттишдан қутулади, - дейди Колумбия университетининг профессори, лойиха ихтирочиси Самуэл Сиа. — Янги мослама простата саратонини аниқлаш учун ҳам мослаштирилган.



## Биржа кўрсаткичлари

**АҚШнинг кредит рейтинги пасайтирилиши жаҳон бўйлаб қимматбаҳо қоғозлар бозори кўрсаткичларининг тушишига сабаб бўлган.**

Душанба куни АҚШ биржаларидаги кўрсаткичлар кейинги 9 ойдаги энг паст даражага тушган. Нью Йорк биржасида нефть нархи 5,57 АҚШ долларига арзонлашган. Бу ҳам ўтган ярим йилдаги энг паст кўрсаткичдир. Айни пайтда олтин 61,4 АҚШ долларига қимматлашиб, бир унцияси 1713 АҚШ долларига баҳоланган. Эслатиб ўтамай, жума куни Standard & Poor's молиявий ширкати Қўшма Штатларнинг кредит рейтингини ААА даражасидан бир поғона пастроққа АА+ кўрсаткичга туширган.



Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

## Буюк Ахиллион

ёхуд қайта туғилиш даври

Германия қироли Вильгельм II нинг 1907 йили Керкирга келиши шаҳар ва қаровисиз қолган қасрдаги вазиятни тамоман ўзгартириб юборади. У қасрни харид қилган захотийек машҳур меймор ва муҳандислари сарой қурили-

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy Tiklanish" мухбири

Агар бўлмас экан фазлу хунар ҳеч,  
Билиб бўлмас одамми, нақши девор.  
Бисот, мол қўлга кирғизмоқ хунармас,  
Қўлингдан келса, бир дил овла, эй ёр!

**БИЛАСИЗМИ?**

1603 йили Япония императори фармонига кўра, сузиш ўқув фани сифатида мактаб дастурига киритилган.

Англияда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилувчи дастлабки қонун 1710 йили қабул қилинган.

**ТУРФА ОЛАМ**

**КИЛАУЗА ВУЛҚОНИ**

**ДУНЁДАГИ ЎТА ФАОЛ ВУЛҚОНЛАРДАН БИРИ УЙҒОНДИ.**

Мутахассислар Гавай оролларида Килауза вулқони отилганини қайд этишган. Килауза вулқони баландлиги 1247 метр келувчи шу номдаги қалқонсимон тоғда жойлашган. Оловли лавалар дарёси Пуу Оо кратеридан оқиб келади. Кратернинг диаметри 4,5 километрга чўзилган бўлиб, узунлиги 230 метрни ташкил қилади. Галемау-мау лавали кўли ҳам айнан шу кратерда ҳосил бўлган. Олимларнинг фикрича, яқинда "Гавай вулқонлари" миллий паркида мавжуд бир неча вулқонлар ҳам уйғониб қолиши мумкин.

**НОЁБ ТОПИЛМА**

**ТУЛА (РОССИЯ) ОБЛАСТИДА АРХЕОЛОГЛАР ҚАДИМГИ ШАҲАР-ҚАЛЬГА ДУЧ КЕЛИШГАН.**

Мазкур шаҳар-қалъа ҳозирги Суворов районидида Чекалин шаҳри яқинида топилган. "Куликово поле" музей-қўриқхонаси директори Владимир Гриценконинг гапига қараганда, ҳозир топилма жойида катта миқёсдаги археологик тадқиқот ишлари олиб борилаётган экан. Айни тоғда қадимшунослар бу ердан бир неча суяк қолдиқлари, идиш-товоқ ва курол-аслаҳаларни топишга муваффақ бўлишган. Олимларнинг хулосасига кўра, қадимги шаҳар-қалъа тахминан V-VI асрга тегишли бўлиб, 1,5 гектарга тенг майдонни эгаллаган.

**ҚОЧОҚ КЕЛИН**

**ТАЙВАНЬ (ХИТОЙ) СУДИ НИКОҲ МАРОСИМИДАН ҚОЧИБ КЕТГАН КЕЛИНГА КАТТА МИҚДОРДА ЖАРИМА СОЛДИ.**

Маълум бўлишича, жаримага тортилган келин никоҳ белгиланган кунга бир неча соат қолганида эрга тегишни истамай қолган. Бу хоҳиш бадала учун қочоқ келин 8,6 минг доллар тўлайди. Боши қотган кувё нима қилсин, энди. Ахир, уй тўла меҳмон. Ҳамма никоҳ кечасига йиғилган. Шунда кувё болга маросимга келган қизлардан бирига вақтинчалик келин ролини ўйнаб беришни сўрайди. Шу тариқа, кувё ноқулай вазиятдан қутулиб қолади. Буни қарангки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай сохта келин-кувё чинакамига севиб қолади ва расман никоҳдан ўтишади.

**КЎҲНА МАЖМУА**

**ПЕРУНИНГ МАРКАЗИЙ ҚИСМИДА ЖОЙЛАШГАН КЎҲНА КОНЧОПАТА (ИНКЛАРГАЧА БЎЛГАН ДАВР) АРХЕОЛОГИК МАЖМУАСИ ҚАЙТАДАН ТИКЛАНДИ.**

Ҳозирда мажмуа учун ажратилган ҳудудда истикомат қилиб келаётган аҳоли бошқа жойга кўчирилмоқда. Айтишларича, мажмуа атрофида биронта ҳам замонавий бино бўлмас эмиш. Уари цивилизация марказий ва жанубий Перуда узоқ йиллар ҳукмрон бўлган. Унинг маркази эса қадимги Пачакамак шаҳри Кончопатадан бир неча ўн километр узоқликда жойлашган. Мазкур цивилизация ниҳоятда тараққий топган маданиятлардан бири ҳисобланади. Чунки, айнан уша даврга хос мезморий обидалар, сопол буюм ва матолар бизгача етиб келган.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси Концепция асосида ЎзМТДПнинг устувор вазифаларига бағишланган китоб нашр этиш юзасидан тендер эълон қилади.

**Мурожаат учун телефонлар: 239-45-77, 239-45-53.**

Мусабеков Давронбек Анварбековичга қарашли № 10100201010703 рақамли ер кадастри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Авезов Муроджон Тошпўлатовичга берилган № 103817 13/с рақами билан рўйхатга олинган диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**КЎЗГҮ**

**ЯКУН**

*Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" Республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар тизимида ғолиб ва совриндор бўлган иштирокчилар қатнашишди.*



**ВАТАН ТОПИЛМАЙДИ ВАТАНДАН ЎЗГА**

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёшларни она юртга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, умрбоқий қадриятларимизга хурмат, фидойилик, юрт тақдири учун дахлдорлик руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 7 апрелда қабул қилган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги поғонага кўтаришда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу ҳужжат бетақдор она юртимиз, Ўзбекистонимизга бўлган кечис мехримизни ихор қилиш, гўзал диёримиз мадҳини юксак пардаларда тараннум этиш, халқимиз, айниқса, навқирон авлод қалбида ана шундай олижаноб туйғуларни камол топтириш, ватанпарварлик руҳи билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқларни яратишни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида мазкур ижодий танловнинг туман, шаҳар, вилоятлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлардаги саралаш босқичлари муваффақиятли ва кўтаринки руҳда ўтказилди.

**МАВСУМ**

**СЎЛИМ МАСКАН ҚЎЙНИДА**

**ДАМ ОЛУВЧИ БОЛАЛАР ҚАДИМИЙ ЕРОСТИ ОБИДАСИ — ПЕШОГОРНИ ЎЗ КЎЗЛАРИ БИЛАН КЎРИШМОҚДА**



*Юртимизда давом этаётган ёз фаслининг ҳар бир кунини болажонлар учун таассуротларга бой ўтмоқда. Сўлим ва баҳаво гўшаларда сайр қилиш, турли тадбир ва кўнгилочар ўйинлар ташкил этиш, саёхатлар уюштириш, жисмоний тарбия ва спорт мусобақалари ўтказиб туриш уларнинг хотираларида узоқ вақт сақланиб қолади.*

Бу йилги мавсумда вилояти- миздаги бир қатор кундузги оромгоҳлар фаолияти ҳам намунали ташкил этилди. Айниқса, Зомин туманидаги Даштобод пахта тозалаш корхонасига қарашли Амир Темур номи кундузги оромгоҳда дам олувчиларнинг ҳар бир кунини сермазмун ўтмоқда. Оромгоҳда хордиқ чиқараётган 100 на-

рочки), Халқ таълими вазирлиги (21000 нафар иштирокчи), Ички ишлар вазирлиги (13000 нафар иштирокчи), Мудофаа вазирлиги (873 нафар иштирокчи), Урта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (250000 нафар иштирокчи) ҳамда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси (3000 нафар иштирокчи) тизимларида юқори савияда ўтказилиб, уларда жами 305 мингдан зиёд иштирокчи қатнашди. Танловнинг жойларда юқори савияда ўтиши учун тажрибали режиссёрлар, таниқли санъаткорлар, бастакорлар, шoirлар ва малакали мутахассислар жалб этилди. Кўрик-танловда профессионал, хаваскорлик бадиий жамоалари, ансамбллар ва яқка ижрочилар, шунингдек, мактаблар, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим масканлари, ҳарбий қисмларнинг жамоалари ҳамда иштирок этиш истагини билдирган барча фуқаролар қатнашгани эътиборга моликдир. Ушбу танлов учун шoir, бастакор, хонанда ҳамкорлигида яратилган Ватан, истиқлол, миллий ўзлигини англаш мавзусидаги жанр ва услуб жиҳатдан ранг-баранг кўплаб янги қўшиқлар яратилди.

Айни пайтда кўрик-танлов кўплаб янги овозлар баробарида шеърят ва мусиқа йўналишида ижод қилаётган янгидан-янги истеъдод соҳибларини кашф этишда муҳим омил бўлди. Беллашувнинг бу йилги якуний босқичида қирқдан зиёд санъаткор иштирок этди. Қатнашчилар ижросини баҳолашда қўшиқ мусиқасининг ўзига хослиги, матннинг янгилиги, мазмундорлиги, Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат ғояларини бадиий юксак савияда акс эттиришига асосий мезон сифатида ёндашилди.

"Ягонасан, муқаддас Ватан!" Республика кўрик-танлови ташкилий кўмитаси раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шoirи Эркин Воҳидов танловни кичир шўзи билан очиб берди. Шундан сўнг, суҳандонлар танловнинг нуфузли ҳакамлар хайъати аъзоларини бирма-бир таништириб чиқишди. Улар орасида ортимизнинг машҳур шoirи бастакорлари, эл ардоғидаги санъаткорлар ҳам бор эди. Биринчи бўлиб саҳнага Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд Намозов тақлиф этилди. Санъ-

аткорнинг Ватан ҳақидаги қўшиғи анъанавий баҳшиёна услубда бўлибди. Таниқли хонандалар Дилноза Исмиёминова, Гулбахор Сулаймонова, Ваҳобиддин Баҳриев, ёш ва хаваскор қўшиқчилар Зарифа Алимқуллова, Шоҳрух Ганиев, Марат Содиқов, Алишер Халиловнинг чиқиши йиғилганларни бефарқ қолдирмади. "Ватан топилмайди Ватандан ўзга", "Бу юрtnинг ёшларимиз", "Шукрона"... Таъкидлаш жоизки, кўрик-танлов давомида ижро этилган қўшиқлар томошабинни ҳаяжонга солди. Буни давомли қарсақлардан ҳам билиш мумкин эди. "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг якуний Республика босқичида қатнашган қирқдан зиёд иштирокчи ҳакамлар хайъати аъзолари томонидан ҳаққоний баҳоланди. Шундай бўлса-да, танлов ғолиблари шу йилнинг август ойида Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида ўтказилган катта гала-концерт чоғида аниқланадиган бўлди.

**Зафар МУҲАММАД, "Milliy tiklanish" мухбири**

малари бўйлаб юқорига кўтари- ларкан ғор теварак-атрофи ям-шигд арчазорларга бурканган- лигидан баҳри диллари очилиб, кўнгиллари яйраб кетди. Улар- даги ана шу ҳаяжон ва ҳиссиёт- ларга бой туйғулар она табиат- га бўлган чексиз муҳаббат ва эҳтиром, муҳими, Пешоғорга саёхат қилиш орзуси ушалиб, қадимий ерости обидаси сир- синоати ва ғаройиб мўъжиза- лари билан танишиш бахтига муяссар бўлдилар. Шунингдек, маҳаллий аҳоли ичидаги тарих- ни яхши биладиган кексалар- дан ғор билан боғлиқ ҳикоялар- ни мароқ билан тингладилар.

Қисқаси, таассуротларга бой бўлган саёхатдан сўнг болажон- лар табиат билан ҳамоҳанг бўлиб, тарихий мажмуа, қадим- ий обида ва ёдгорликларни асраш, уларга зиён етказмас- лик лозимлигини ўқиб олдилар. — Болаларнинг мароқли дам олишлари учун барча шарт- шароитлар яратилган, - дейди вилоят халқ таълими Давлат таълим стандартлари монито- ринг бўлими бош назоратчи услубчиси, Халқ таълими аъло- чиси Зоир Сатторов. — Мавсум бошидан тайёргарлик ишлари- ни Халқ таълими вазирлигининг "Болалар ёзги соғломлашти- риш оромгоҳида маънавий- маърифий концепцияни амал- га татбиқ этиш тўғрисида"ги қарори асосида ташкил қил- ганмиз. Тарбиячи ва етакчилар тайёрланиб, уларга тегишли қўлланмалар тақдим этилган.

**Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти**

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:** Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАҲБИДИНОВ, Мухаммаджон КУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмаи ХУДОЕВОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРДОВ

**Бош муҳаррир:** Жалолиддин САҒОЕВ  
**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди  
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47  
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.  
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2 «ШАРҚ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Бюро тартиби — Г 819, Адади — 4197  
**Набатчи муҳаррир:** Исмаи ХУДОЕВОВ  
**Набатчи:** Зафар МУҲАММАД  
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ  
**Электрон почта:** e-mail: milliy@tksarkor.uz